O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Da'vat**

*Агар мақсадсиз бўлсанг ҳеч нарса қилолмайсан, мақсадинг катта бўлмаса буюк иш қилолмайсан.*

**Дени ДИДРО**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 21 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 15 (7314)

**Ibrat**

***Чироқчи туманидаги "Чиял" ширкат хўжалигининг Чувуллоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳусан ҳожи бобо Яллаев қишлоқ марказидаги ўрта мактабга узоқдан қатнаб ўқиётган болалар учун ўз ҳисобидан мактаб қуриб берди.***

**Milliy dastur amalda!**

## УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН МАҚСАДЛАРИМИЗНИНГ БУГУНГИ РЎЁБИ

### ИМКОНИЯТ

Озод одамгина ўз олдига қатъий мақсад қўя олади, унга эришиш йўлида қилган меҳнатлари, чеккан заҳматлари мевасининг бир кун келиб тотли таъмини туйишига ишонади. Бундай инсоннинг кечирган ҳаёти мазмунли ҳамда ўз ортидан келаётган авлодлари учун ибрат мактаби бўла олади. Мамлакатимиз мустақил бўлгач, аввало, кишиларимиз онгида бошланган ислоҳотлар бугунги кунга келиб улар ҳаётининг барча жабҳаларида кенг миқёсда кечмоқда. Айниқса, соғломлашаётган жамиятимизга ўзларининг соф орзу-умидлари, интилишлари, яратувчилик фаолияти ҳамда куч-қудрати билан мадад бўладиган ёшлар масаласи ҳукуматимизнинг доимий диққат-марказида турибди. Улар учун керакли шарт-шароитлар яратилмоқда.

*"Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири—билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади".*

**("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан)**

*Жаҳон ҳамжамияти томонидан ўзбек давлатчилигини шакллантириш, ривожлантириш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар, ислоҳотлар, дастурлар "ўзбек модели" сифатида тан олинмоқда. Худди шундай баҳога сазовор бўлган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳам тараққиётни таъминлашга хизмат қиладиган стратегик мақсадларни ўзида мужассам этган муҳим давлат ҳужжати сифатида муваффақиятли бажарилмоқда. Ўтган уч йил давомида барча таълим турлари мазмунига киритилган янгиликлар, ўзгаришлардан ташқари, республикамизда ўз фаолиятини тубдан янги шаклда бошлаган ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари фикримиз далили. Мамлакатимизда шу кунгача янги, замонавий талабларга мос 260 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда 47 та академик лицейлар фойдаланишга топширилди.*

Бу масканлар ёшларимизнинг, ўз ҳаёт йўлларини танлашлари, касб-ҳунар эгаси бўлишлари, бир сўз билан айтганда, ўз тақдирларини белгилашлари учун имкониятлар маконига айланиб бормоқда.

### КИМ БЎЛМОҚЧИ-(МАН)СИЗ?

Бу савол илгарилари асосан катталар томонидан кичикларга берилар, улар эса кўпроқ хаёлан бунга жавоб беришарди. Бироқ мавжуд шарт-шароит ҳамда болани ўраб турган бир қолипдаги муҳит кўп ҳам унинг орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаришга йўл қўявермасди. Таълим тизимида бугунги ислоҳотлардан кўзланган асосий ғоя, мақсад эса ҳар бир ўқувчининг ўз қизиқишлари, қобилияти ва имкониятларини юзага чиқариб, унинг шахс сифатида шаклланишини таъмин этиш. Токи, ҳар бир ўғил, қиз жамиятда ўз ўрнини муносиб топа билиши ва унинг гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшмоғи лозим эканлигини англаб етиши керак. Демак, сарлавҳадаги саволни ўқувчи "Ким бўлмоқчиман?", дея ўзига бериб, унга онгли равишда жавоб бермоғи бу ўринда энг тўғри йўл ҳисобланади.

*«Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин».*

**("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан).**

Йигирма биринчи асрнинг илк йилида эзгу мақсадлар билан бошланган катта ишнинг илк натижаларини кўриш бахтига муяссар бўламиз. Ҳадемай янгидан ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи қалдирғочлари — 4969 нафар йигит, қиз жўшқин ҳаётга учирма бўладилар. Уларнинг парвози қандай бўлишидан қатъий назар, биринчилиги билан ҳамиша аҳамиятли бўлиб қолаверади. Келинг, яхшиси ор-зуларимиз рўёбини, умидларимиз учқунини уларнинг

(Давоми 2-бетда)








*КИЧКИНТОЙ КУРАШЧИЛАР*

4-бет

## "РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ МАКТАБЛАРНИ БОҒУ РОҒЛАРГА АЙЛАНТИРАМИЗ"

**Халқ таълими вазирлигининг ушбу ташаббуси жойларда қизғин қўллаб-қувватланмоқда**

**Tashabbus**

Аслида ушбу ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан 2001 йил-Оналар ва болалар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан юзага келди. Йил номи билан мазкур тадбир ўртасида ўзига хос рамзийлик бор. Хусусан, бу тадбир Республикамиздаги халқ таълими тизими муассасаларида "Экология ва саломатлик кунлари"ни ўтказилишини изчил равишда амалга ошириш, мамлакатимиздаги ҳар бир мактабда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини ривожлантириш, таълим муассасаларида экологик тоза муҳитни қарор топтириш, бу борадаги миллий анъаналаримизни тиклаш, болаларимизда атроф-табиий муҳитга оқилона муносабатини шакллантириш, уларда экологик маданиятни тарбиялаш, мактаблар атрофини асл табиий масканларга айлантириш мақсадини кўзда тутади ва у умумхалқ байрами—21 март—Наврўз байрами арафасида республика мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунларида ўтказилади.

**Тадбирни мактабларда ўтказиш тартиби қуйидагича бўлади:** Мактаб педагогик жамоаси, барча ўқувчилар ўз муассасаларида "Наврўз умумхалқ байрами" муносабати билан миллий ҳашар ўтказадилар. Мактаб ҳовлиси, атроф-ҳудуди синфларга бириктирилади. Ҳар бир мактаб ўқувчиси гул ёки дарахт (манзарали ёки мевали) кўчатни экишни амалга оширади.

Ҳашар ўтказилаётган кун—ҳақиқий байрам тусини олиши, миллий мусиқа оҳанглари таралиб туриши, ёшлар учун турли кечалар уюштириш мақсадга мувофиқ. Наврўз кунларида тайёрланадиган халқ таомлари — сумалак, кўк сомса, чучвара каби тансиқ овқатлар ўқувчиларга тортилиши бу тадбирга ўзгача тўкинлик бахш этади.

Мазкур тадбирга мактаб директорлари, фаол маҳалла аъзолари, ота-оналар, жонкуяр инсонларни жалб этиш кўзда тутилиши лозим. Шу қаторда тадбирда фаол иштирок этган ўқувчиларни, педагогларни рағбатлантириш ишлари амалга оширилиши керак.

* * *

Андижон вилоят ҳокими Қ.Обидов Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишни таъминлаш, Оналар ва болалар йилида фарзандларимизнинг ҳар томонлама пухта билим олишига эътиборни янада кучайтириш мақсадида вилоят халқ таълими фаоллари, бир қатор жамоа ташкилотлари ташаббусларини инобатга олиб, 2001 йилнинг 17 март куни вилоятда Наврўз байрамига бағишланган умумхалқ шанбалигини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжатга кўра, Наврўз байрамини оммавий равишда нишонлаш, унда аҳолининг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида вилоятда шу йил 20 февралдан 21 мартга қадар тозалик, ободонлаштириш—кўкаламзорлаштириш ҳамда меҳр-мурувват ойлиги эълон қилинди. Ойлик ва шанбаликни ҳар жиҳатдан самарали ўтказиш бўйича вилоят ташкилий-ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Ана шундай ишчи гуруҳлари шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари раҳбарлигида жойларда ҳам тузиладиган бўлди. Энг муҳими, шанбаликдан ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи шаҳарлар ва туманлар халқ таълими бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказилиб берилади.

Қарорда шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари жойларда ободонлаштириш ва меҳр-мурувват ойлиги ҳамда умумхалқ шанбалигини кўтаринки руҳда ўтказиш учун шахсан масъул эканлиги уқтирилиб ўтилди. Шунингдек, улар зиммасига "Меҳрибонлик", "Мурувват" уйларида яшовчилар, камхарж оилалар, етим-есирлар, яккаёлғизлар ҳолидан хабар олишни ташкил этиш, шанбаликдан ишлаб топилган маблағларни ўз ҳудудларидаги боғчалар ва мактабларни таъмирлашга сарфланишини назорат қилиш, шу йилнинг 1 августига қадар барча мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларини 2001-2002 ўқув йилига ҳар жиҳатдан пухта тайёрлигини таъминлаш вазифалари юклатилди.

**МУХБИРИМИЗ**

Республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик кўришга бағишланган анжуманларни ўтказиш ҳамда делегатларни сайлаш юзасидан
**ТАВСИЯЛАР**
*2-бет*

**ЎЗ ЙЎЛИМНИ ТАНЛАДИМ!**
*3-бет*

**Xushxabar**

## ПРОФЕССОР ЖУМАБОЕВ АҚШДА ИШЛАЙДИ

Самарқанд Давлат университети физика факультети декани, профессор Абдувоҳид Жумабоев номига АҚШнинг Огайо университетидан таклифнома келди.

Унда олимнинг "Молекулалараро ўзаро таъсирни оптик усуллар билан ўрганиш"га бағишланган анжуманда иштирок этиш ҳамда Огайо университети билан тўрт йил давомида илмий ҳамкорликда ишлаши маълум қилинган. Университетнинг физика факультетида олиб борилаётган илмий ишлар кўлами йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда факультетда 16 нафар фан доктори ва 40 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Хорижий университетлар билан ҳамкорлик аъло даражада. Уч нафар собиқ талаба—Б.Остонов (АҚШ), М.Маликов (Англия), М.Қувватов (Германия) чет эл олий ўқув юртларида магистратурада ўқишларини давом эттиришмоқда. Профессор А.Жумабоев тадқиқотларига АҚШнинг нуфузли илм даргоҳи юксак баҳо бераётгани ўзбек олимлари учун янада кенг уфқлар очади.

**Самарқанд вилояти, "Туркистон-пресс"**

**«Маърифат» маслаҳатхонаси**
*3-бет*

**Юрагинг соғ бўлсин, болажон!**
*4-бет*

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – КЕЛАЖАК ТАРБИЯСИ

**Shu aziz Vatan — barchamizniki**

Узбекистон ёшларини бириктирувчи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг самарали иш фаолияти ҳам плюрализмга асосланиб, ёшларни эркин фикрлаш, келажак сари интилишдаги ғоя ва қарашларини юксакликка кўтариб ва албатта, ижобий самара бериши, шубҳасиз. Биз педагоглар эса ёшларнинг муаммолари, қизиқиш, интилиш ва манфаатлари билан доимо ҳамнафас бўлишимиз, улар ғояларини келажакда инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, эзгу мақсадлар сари етаклайдиган ижтимоий фикр юритиш даражасида тайёрлашимиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Дунёдаги мафкуравий жараёнлар ва унинг мураккаблашиб бораётганлигини ҳамда жаҳондаги маълум бир сиёсий мафкуравий кучлар бошқа минтақани, ғоявий, диний ва мафкуравий воситаларини ишга солиб ўз манфаатлари доирасига тортишга уринаётганликларини ҳам ўқувчилар онгига сингдириш вазифасининг таълим-тарбия жараёнига киритилиши, албатта, зарур бўлиб қолаверади. Бугунги кунда ижтимоий-тарихий омилларга асосланган бундай зиддиятлардан фақатгина кучли миллий мафкурагина жамиятни муҳофаза қила олади.

Ғоявий беқарорлик ҳукмрон бўлган жойда мафкуравий таҳдид кучайиб, аҳоли қатламлари, асосан вояга етмаган ёшлар онгини эгаллашга уринишлар ортиб боради. Шундай экан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш, ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

Миллий истиқлол мафкурасининг ижтимоий-иқтисодий асосини "фуқаролар фаровонлиги — бутун жамиятнинг фаровонлигидир" ғояси ташкил этади. Ундаги бош ғоя эса озодлик ва Ватанимиз мустақиллигидир. Яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.

Миллий истиқлол мафкурасини ўқувчилар қалби ва онгига сингдиришда таълим-тарбиянинг турли шаклларидан унумли фойдаланиш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"-га таянган ҳолда янги педагогик-психологик дастурлар ишлаб чиқишни жадаллаштириш, ёшларга руҳий озуқа берадиган тадбирлар кўламини кенгайтириш барчамиз якдил амалга оширишимиз лозим бўлган вазифадир.

**Равшан БОБОЖОНОВ,
Оқолтин ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, "Устоз" гранти совриндори**

**Yangilik**

## «АХБОРОТНОМА»НИНГ ЯНГИ СОНИ




Давлат тест маркази томонидан ўқув юртларига кириш учун тест саволларидан иборат АХБОРОТНОМАнинг 2001 йил 1 сони нашрдан чиқди. Абитуриентлар ахборотномада берилган "Ўзбек тили ва адабиёти", "Инглиз тили", "Немис тили", "Француз тили", "Тарих", "Математика", "Физика", "Биология", "Кимё", "География" фанлари бўйича энг сара тест топшириқлари ёрдамида ўз билимларини оширишлари мумкин.

## КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БИЛАСИЗ?

**Qonun va yoshlar**

*Президентимизнинг Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги фармойишлари бежизга қабул қилингани йўқ, ҳақиқатан ҳам бугунги мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди Асосий Қонунимизни қониқарли даражада билмайди. Фармойишнинг асосий мақсади ёшлар ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда Конституциянинг маъно-мазмуни ва асл моҳиятини ўргатишга қаратилган. Агар ёш авлод ўз қонунини билмаса, унинг мустақил фикри ҳам шаклланмайди. Чунки Қонун барча саволларга жавоб берувчи ҳужжатдир. Ёшлар ўртасида "Конституцияни қай даражада биласиз?" деган сўровнома ўтказиб, уларнинг энг фаолларини таклиф қилдик. Мана, уларнинг жавоблари:*

***Тошкент Фармацевтика институти 2-курс талабаси:*** *«Тўғрисини айтсам, Конституция 6 та бўлим, 26 боб, 128 та моддадан тузилганини биламан. Лекин бу моддаларни бирма-бир изоҳлаб беролмайман. Ўрганишга эса вақт етмайди. Ўқишдан, лаборатория ишларидан сира ҳам ортмаймиз».*

*Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 2-курс талабаси: "Кимки ўз Ватанини севса, уни ҳамиша қадрлайди. Ватан баландпарвоз нутқ сўзлаш билан эмас, балки амалий иш билан қадрланади. Амалий ишлар моҳиятида эса чуқур билимлар ётади. Фикримча, ўз давлатини қадрлаган киши ҳеч қачон унинг Конституциясидан бехабар бўлмайди. Зеро, ишонч билан айтиш мумкин, Қонунни билиш — бу халқни, юртни билиш, тушуниш билан баробар".*

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси 2-курс тингловчиси:*** *"Биз ҳар куни деярли қўлимизга Конституцияни оламиз, ўқиймиз. Қолаверса, дарсларимизда бўладиган баҳсларнинг замирида Конституция туради. Бизнинг ҳар қадамимиз Конституция билан боғлиқ ва биз уни яхши ўрганаяпмиз".*

*Юқорида келтирилган фикрлар хилма-хил. Учта олий ўқув юрти, уч хил қараш ва уч хил ифода. Савол туғилади: Ўзбекистонда талаба бўлган ёшлар қанча? Улар Қонунни қай даражада билишади? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб айтиш мушкул. Ҳар бир фуқаро ўз юртини, Асосий Қонунини билмас экан, у ҳеч қачон ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб эта олмайди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб эта олмаслик эса инсоннинг маънавий фожеасидир.*

**Фарҳод ИРДАШЕВ,
"Маърифат" мухбири**

*«—Жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг янги шаклдаги таълим муассасаси том маънодаги маданий-маърифий ва маънавий марказ бўлишига эришиш даркор».*

*Республика ўқитувчилар съездида 700 делегат ва 200 нафар таклиф қилинганлар иштирок этиши мўлжалланмоқда.*



# УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН МАҚСАДЛАРИМИЗНИНГ БУГУНГИ РЎЁБИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

ўзларидан эшитганларимиздакўрайлик:

**Бахтинур БЕРДИЕВ, Навоий педагогика институти қошидаги академик лицей битирувчиси:**

— Мен таҳсил олаётган академик лицейнинг ижтимоий гуманитар йўналишидаги тенгдошларимнинг барчаси ҳозирданоқ ўз мустақил илмий изланишлари мавзусини аниқ белгилаб олишган.

Мен Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашидаги нутқида "Қани, менга айтинглар-чи, Кармана тарихини ким билади? У ҳақда ким нима ёзган?" дея олимларга берган саволини эшитиб, ўзим қизиқиб юрган ушбу мавзуга янада чуқурроқ ёндошдим. Олиб борган изланишларим ҳосиласи сифатида "Навбаҳор тумани тарихи" 1-,2-қисм, "Юртим тарихига бир назар" деб номланган китобчаларимни нашр эттиришга эришдим. Келажакда мен халқимиз учун хизмат қиладиган фидойи, билимли, кучли инсон бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Ниятим—ҳуқуқшунос бўлиш.

*Бахтинурнинг ишлари билан танишгач, тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов қуйидаги фикрни билдирган:*

*Умуман олганда, Б. Бердиевнинг илмий ишларида Навоий вилояти, Зарафшон водийсидаги зиёратгоҳ, қадамжолар ҳақида тарихий, топономик маълумотлар берилган. Бу маълумотлар ушбу ёдгорликларнинг топономикасини ўрганиш борасида келгуси илмий ишларга асос бўлишини ҳисобга олиб, Б. Бердиевга келгусидаги номзодлик диссертацияси учун «Навоий вилоятининг муқаддас қадамжолари» мавзусини белгиладик.*

**Лола ЗОИРОВА, шу академик лицей битирувчиси:**

—Ҳеч бир инсон йўқки, ўз ҳаётида кўп нарсаларни орзу қилмаган бўлса... Ҳар бир инсон ўз характери билан бошқа бир инсонга айнан ўхшамаганидай уларнинг ниятлари ҳам турличадир. Бироқ биз ёшларнинг умумий бир мақсадимиз борки, бу—эркин, ҳурфикрли ва ўз мамлакати тараққиётига ҳиссасини қўшадиган юрт фидойилари бўлиб вояга етиш. Биз ушбу олий мақсадимизга эришишимиз сари илк қадамни мана шу академик лицейда қўйдик, десам хато бўлмас.

Мен бу ерда ўз йўналишим, яъни физика-математика фанларини чуқур ўрганиш баробарида илмий изланиш, ижод қилиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг самараси сифатида "Физик атамалар луғати", "Огоҳ бўл, карвоним" шеърий тўпламим китобча шаклида нашр этилди. Келажакда билимдон иқтисодчи ҳамда шоира бўлиш ниятида тинмай ўрганиб, изланмоқдаман.

**Мирумид ОБИДОВ, Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи битирувчиси:**

—Мен мактабдалигимдаёқ адабиётга, айниқса, ўзбек романчилигига қизиқардим. Академик лицей менинг шу қизиқишларимни рағбатлантирди ҳамда бу борада жиддийроқ изланишимга имкон берди. Асосий ўқишлардан ташқари, мен Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи устида иш олиб боряпман. Келгусида "Ўтган кунлар" романидаги образлар тимсоли" мавзусидаги ишимни якунлаб, уни инглиз тилида ҳам ёзиб чиқмоқчиман.

**Нодир РАҲМАТУЛЛАЕВ, шу академик лицей битирувчиси:**

—Лицейимизда шундай муҳит ҳукмронки, унда ҳар бир ўқувчи асосий ўқишлардан ташқари бирор бир йўналишда, аниқ мавзуда изланиш олиб боради. Бу жараён ўзаро мусобақа тусини олиб кетган. Мен ҳам "Ўзбек тилига форс тилидан кириб, ўзлашиб қолган сўзлар" ҳақида илмий ишимни ўзимизнинг "Кичик академия"мизда ёқладим. Ҳозирда ушбу изланишимни янада чуқурлаштириб, институтда ҳам давом эттириб диплом иши даражасига етказмоқчиман. Мени яна қизиқтирадиган мавзу—Алишер Навоий асарларидаги туркий сўзларни ҳозирги вариантлари устида ишлаш.

**Хўрозбой ЭРАЛИЕВ, Навоий Давлат педагогика институти қошидаги академик лицей директори:**

—Ўқувчиларимизнинг гапларидан ҳам маълум бўлдики, академик лицей умумий ўрта таълим мактабларидан анча фарқ қилади. Негаки, бу ерга асосан билимни чуқур эгаллаш, ўзи танлаган соҳасининг барча сир-асрорларини ўрганишни олдига мақсад қилиб қўйган ёшлар келишади. Бу ҳол раҳбар ва ўқитувчиларга анча осонлик туғдириш баробарида ўзига хос қийинчиликларни ҳам юзага келтиради. Осонлиги—ўқувчиларнинг фаоллиги, интилувчанлиги, тиришқоқлиги муайян муҳитни вужудга келтирадики, бу албатта, ортиқча асаббузарликларга ҳожат қолдирмайди. Қийинлиги—ўқитувчининг ўз устида тинмай ишлаши, изланиши лозим бўлади. Ўқувчилардаги ўзига бўлган талабчанлик, уларда кўпроқ билишга эҳтиёжни оширади. Президентимиз яқинда бўлиб ўтган 2000 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам янгидан ташкил бўлаётган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари таркиби савияси ва малакасини оширишга алоҳида тўхталиб, барча замонавий қулайликлар, шарт-шароитлар мавжуд бўла туриб, эскидан қолган ўқитиш услублари билан ишлаш мумкин эмаслигини яна бир бор таъкидладилар.

> *"Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради"*
>
> **("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан)**

**Бектемир БЕКТЕМИРОВ, Тошкент радиотехника касб- ҳунар коллежи битирувчиси:**

—Ёшлигимдан радио, телевизорларнинг қандай ишлашига, улар бузилса тузатишга жуда-жуда қизиқардим. Ушбу касб-ҳунар коллежида олган билимларим шу пайтгача мен учун сирли тилсим бўлиб кўринган радио, телеаппаратуралар оламига киришимда калит вазифасини ўтади. Асосий фанларни ўрганиш давомида гуруҳдошларим билан биргаликда 4 каналли радио ҳамда электрқувват билан таъминловчи манба мажмуини яратдик.

Келгусидаги режаларим Тошкент алоқа институтига кириб таҳсил олиш. Мақсадим—ўзбекистонликлар ўз мамлакатида ишлаб чиқарилган замонавий радио, телевизор ва шунга ўхшаш телеаппаратуралардан фахр билан фойдаланишини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшиш.

**Муҳаббат ХОЛБОЕВА, шу касб-ҳунар коллежи битирувчиси:**

—Мен молия соҳасини танлаганман. Ҳозирда мамлакатимиз ҳамда жаҳон давлатлари солиқ тизимини ўрганмоқдаман. Коллежни тугатиб, молия агенти сифатида ишламоқчиман. Бунга коллежда олган билимларим, амалиётда ўрганганларим ҳамда мутахассислигим бўйича беражак дипломим асос бўлади.

**МУНОСАБАТ**

—Жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг янги шаклдаги таълим муассасаси том маънодаги маданий-маърифий ва маънавий марказ бўлишига эришиш даркор, —деди Президентимиз Ислом Каримов 2000 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида. Маълум маънода моддий-техник жиҳатдан ушбу таълим муассасалари таъмин этилган бир шароитда ундаги таълим-тарбиявий ишлар мазмуни билан боғлиқ бир талай ишларни бажариш лозимлиги англашилади бу гапдан. Юқорида сўзларини тинглаб, ортимиздан келаётган ёшлар шижоатию қатъиятлилиги қанчалик қувонтирса, ҳамма жойда ҳам бирдек шундай муҳитни пайдо эта олмаётганлигимиз бизни ташвишга солмоғи лозим. Боиси, таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳар биримизга дахлдор, ҳар биримизнинг тақдиримизни белгиловчи жараёндир. Унда фаол иштирок этиш ўз ватани келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир кишининг бурчига айланмоғи керак.

**Абдусамат РАҲИМОВ**

## МАЪНАВИЯТ ВА ТАСАВВУФ

**Маълумки, маънавий маданиятимиз ривожида тасаввуфнинг алоҳида ўрни бор. Шу маънода Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети фалсафа факультетида "Маънавият ва тасаввуф" мавзусида яқинда II босқич талабалари билан ўтказилган илмий-амалий анжуман эътиборга сазовордир.**

**Бу йиғилишнинг муҳим жиҳати шундаки, анжуман маърузачилари талабаларнинг ўзларидир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов асарлари анжуманимизнинг назарий дастуриламали бўлиб хизмат қилди.**

**Мазкур талабалар анжумани фалсафа факультети декани А.Ўтамуродов бошчилигида, профессор Маҳмуджон Нурматовнинг илмий раҳбарлигида ташкил этилди. Анжумандан асосий мақсад талабаларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш, уларнинг ижодий истеъдодига кенг йўл очишдан иборатдир. Айни пайтда анжуман талабаларда нотиқлик санъатининг янада камол топишига қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.**

**Дилноза ҚОДИРОВА, ЎзМУ фалсафа факультети талабаси**

## ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ!

**Яқинда Янгийўл тумани халқ таълими бўлимига қарашли 10-,11-,15-,30-,40-,57-ўрта мактабларнинг 9-11 синфлари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда 30-ўрта мактаб ўқувчилари юқори балл тўплаб биринчи ўринни қўлга киритишди.**

**Иккинчи ва учинчи ўринлар 40-ҳамда 11-ўрта мактаб жамоаларига насиб этди.**

**—Кўрик танловни ўтказишдан мақсад ўғил-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборатдир, дейди —туман халқ таълимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича услубият бирлашмаси раҳбари Турсуной Тоирова.**

**К. АЛИОХУНОВ**



**Наманган вилояти, Наманган тумани Ёш техниклар ижодиёт маркази туманидаги техника, янгилик яратишга қизиқувчи ўқувчиларни ўз бағрига олган.**

**Ушбу марказда турли-туман тўгаракларда билим ўрганаётган болалар тўрт йилдан буён Республика иқтидорли ўқувчилар анжуманида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. 25 йилдан буён болаларга техник ижодиёт сирларини ўргатиб келаётган Ахмаджон Жўраев 1998 йили "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.**

**Суратда: А.Жўраев ўқувчилари билан янги моделларни кўздан кечирмокда**

## Республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик кўришга бағишланган анжуманларни ўтказиш ҳамда делегатларни сайлаш юзасидан

# ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин таълим давлат сиёсатининг устувор соҳасига айланиб, туб ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Айниқса, Республика Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида яратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида халқ таълими тизимида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳуқуқий-меъёрий шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган 40 дан ортиқ Низом ва намунавий Уставлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Қисқа муддат ичида узлуксиз таълимнинг мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва мактабдан ташқари таълим турлари учун давлат талаблари, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари яратилиб, ўқув-тарбия жараёнига босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 январдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги 40-сонли қарори билан тасдиқланган тадбирларга мувофиқ мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида – 2001 йил июнь ойида Республика ўқитувчилар съезди ўтказилиши режалаштирилган.

Республика ўқитувчилар съездида мустақилликнинг ўн йили давомида халқ таълими тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижалари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи (1997-2001 йиллар) якунлари муҳокама қилинади, бу борада юзага келган муаммоларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинади; иккинчи босқичда (2001-2005 йилларда) бажариладиган вазифаларга аниқликлар киритилади, халқ таълими ислоҳотини бекаму кўст амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгиланади.

**Республика ўқитувчилар съездида 700 делегат ва 200 нафар таклиф қилинганлар иштирок этиши мўлжалланмоқда**. Съездга сайланадиган делегатларнинг вилоятлар кесимидаги, шунингдек, республика ташкилотлари ва муассасалари бўйича тақсимоти жойларга етказилган. Мазкур тақсимот асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан туман(шаҳар)лар, ўз тасарруфларидаги ташкилот ва муассасалар бўйича съездга сайланадиган делегатларнинг тахминий тақсимотларини тузишлари зарур. Тақсимотни тузишда туман(-шаҳар)лар бўйича педагог ходимларнинг умумий сонидан келиб чиқилиши, тахминий равишда ҳар 900 нафар педагог ходимга 1 та съезд делегати тўғри келиши инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

Республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик даврида Миллий дастурни рўёбга чиқариш юзасидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, мавжуд муаммолар ечимини топиш, навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман(шаҳар)лар миқёсида ўқитувчилар конференциялари, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида эса махсус педагогик кенгашлар ўтказилади.

**Ўқитувчилар анжуманларини ўтказиш тартиби**

**Республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик кўришга бағишланган ўқитувчилар анжуманлари: таълим муассасаларида – 10 мартга қадар, туман(шаҳар)лар миқёсида ҳамда вилоят тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда – 15-31 мартда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида ҳамда республика тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда – 10-30 апрелда ўтказилади.**

Республика ўқитувчилар съездига тайёргарлик даврида ўтказиладиган вилоят ва туман миқёсидаги ўқитувчилар конференциялари ҳамда таълим муассасалари педагогик кенгашлари кун тартибида **"Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва иккинчи босқичда амалга ошириладиган ишлар"** асосий масалалар сифатида кенг муҳокама қилинади. Мазкур масаланинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда педагогик кенгашда уни бир нечта масала сифатида кун тартибига қўйиш мумкин.

***Педагогик кенгашда кун тартибига қўйилган биринчи масала бўйича қуйида келтирилган вазифаларнинг бажарилишига, муаммоларнинг ечимига алоҳида эътибор қаратилиши лозим:***

- таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарилишини таъминлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг умумий ўрта таълимни ташкил этиш, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини жорий этиш, таълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш, таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш, таълим муассасаларини маблағ билан таъминлаш бўйича ва бошқа таълимга оид қарорларини бажариш юзасидан амалга оширилган ишлар, белгиланган вазифаларни бажаришда юзага келган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар;
- таълим муассасаларининг юқори малакали мутахассислар билан таъминланиши, педагогик ходимларнинг фаолияти, малака ошириши, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш режалари;
- умумий ўрта таълим муассасаларида Давлат таълим стандартлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда Давлат талабларининг жорий этилиши, педагогик ходимлар режаларининг мазкур давлат ҳужжатларига мувофиқлаштирилганлиги;
- таълим муассасаларида педагогик ходимларнинг янги педагогик технологияларни жорий этишдаги фаолиятлари, илғор тажрибаларини оммалаштиришда амалга оширилган ишлар;
- Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва улар асосидаги дастурларнинг таълим-тарбия жараёнига жорий этилиши, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар;
- таълим муассасаларида Давлат таълим стандартлари (Давлат талаблари) ижроси мониторингининг олиб борилиши, мониторинг натижаларининг ўқув фанлари ва синфлар кесимидаги таҳлили, бу борада амалга оширилган ва амалга оширилиши зарур бўлган ишлар;
- умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиш даражасини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва муаммоларни ҳал этиш учун кўриладиган чора-тадбирлар;
- таълим муассасаларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи асосидаги ўқув фанларининг ўқитилиш аҳволи, бошқа ўқув фанлардан миллий истиқлол ғоясининг дарслар мазмунига ўқитилиши;
- таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўқитилиши, ҳуқуқий таълимнинг ўқув жараёнига сингдирилганлиги;
- таълим муассасида ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, ўқувчи-ёшлар ташкилотларининг фаолияти;
- таълим муассасалари кутубхонаси жамғармасини дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув адабиётлари билан тўлдирилиши юзасидан бажарилаётган ишлар;
- таълим муассасаларида турли йўналишдаги фан ва ўқувчилар қизиқишига кўра тўгаракларнинг фаолияти;
- педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар;
- таълим муассасаларида ва ташкилотларда бюджетдан ташқари маблағларни топиш, муассаса(ташкилот) жамғармасини шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва бошқалар.

Юқорида келтирилган ҳар бир вазифанинг бажарилиши ўқитувчилар анжуманларида атрофлича муҳокама қилинади, муаммоларни ҳал этиш ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинади. Шу билан бир қаторда, анжуманда кўтарилган муаммолар, уларни ҳал этиш, таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар қабул қилиниб, навбатдаги юқори босқичда ўтказиладиган анжуманнинг ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

**Ўқитувчилар анжуманларига делегатларни сайлаш тартиби**

**Туман(шаҳар) ўқитувчилар конференцияларига делегатлар Халқ таълими бўлими томонидан белгилаб берилган тахминий тақсимотга мувофиқ таълим муассасаларининг кенгайтирилган педагогик кенгашларида сайланади.** Педагогик кенгашга маҳалла раислари, қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларида жамоа(ширкат) хўжалиги раҳбарлари, таълим муассасасининг ота-оналар қўмитаси аъзолари, ҳомийлар ҳам таклиф этилади. Педагогик кенгашда туман(шаҳар) халқ таълими бўлимининг масъул вакили иштирок этиши зарур.

Туман(шаҳар) Халқ таълими бўлими томонидан белгилаб берилган тақсимотга кўра, туман(шаҳар) ўқитувчилар конференцияси делегатлигига номзодлар мазкур таълим муассасаси раҳбарияти томонидан кўрсатилади. Делегатлар очиқ овоз бериш йўли билан сайланади, номзодлардан педкенгаш иштирокчиларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Иштирокчиларнинг ярмидан кўпи овозини ололмаган номзодлар ўрнига йиғилиш қатнашчилари томонидан бошқа номзодлар кўрсатилади ва овозга қўйилади.

**Вилоят ўқитувчилар конференциясига делегатлар Халқ таълими бошқармаси томонидан белгилаб берилган тақсимотга кўра, туман-(шаҳар) ўқитувчилар конференцияларида ҳамда вилоят тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар йиғилишларида сайланади. Туман(шаҳар) миқёсидаги конференцияда 250-400 нафар делегат ва таклиф этилганлар иштирок этишини режалаштириш тавсия этилади.** Вилоят конференцияси делегатлигига номзодлар рўйхати таълим муассасаси педагогика кенгашининг тавсиясига кўра, туман(шаҳар) ўқитувчилар конференциясини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита томонидан шакллантирилади. Туман(шаҳар) конференциясида иштирок этган делегатларнинг 50 фоизидан ортиғи ёқлаб овоз берган номзод вилоят ўқитувчилар конференциясига сайланган деб ҳисобланади. Етарли овоз ололмаган номзодлар ўрнига туман (шаҳар) конференциясида иштирок этган делегатлар томонидан бошқа номзодлар кўрсатилади ва овозга қўйилади.

Республика ўқитувчилар съездига делегатлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар конференцияларида, шунингдек, республика тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар йиғилишида сайланади. Вилоятлар миқёсидаги ўқитувчилар конференцияларида 400-600 делегат ва таклиф этилганлар иштирок этишини режалаштириш тавсия этилади. Съезд делегатларига номзодлар рўйхати туман ўқитувчилар конференцияларининг, шунингдек, вилоят тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар йиғилишларининг тавсиясига кўра, вилоят конференциясини ўтказиш ташкилий қўмитаси томонидан шакллантирилади. Съезд делегатлари очиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Конференцияда иштирок этган делегатларнинг 50 фоизидан ортиғи ёқлаб овоз олган номзод Республика ўқитувчилар съездига делегат этиб сайланган бўлади. 50 фоиздан ортиқ овоз ололмаган номзодлар ўрнига конференция делегатлари томонидан бошқа номзодлар кўрсатилади ва овозга қўйилади.

Сайланадиган делегатлар ўз мутахассислиги бўйича ижодкор, изланувчан, ташаббускор бўлиши, таълим тизимидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан мустақил фикрлай олиши, уни сайлаган педагог-ходимлар билдирган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни умумлаштириб, делегат сифатида юборилаётган анжуманга салмоқли ва муҳим таклифлар кирита оладиган бўлиши зарур.

Ўқитувчилар съездига, конференцияларга сайланган делегатлар тўғрисидаги маълумотлар ва делегат сифатида юборилаётган анжуманга таклифлари 3-жадвалда келтирилган шаклга мувофиқ тайёрланади ҳамда навбатдаги босқичдаги ўқитувчилар анжуманини ўтказиш ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ**

